

БИЗНЕС ФАОЛИЯТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Абдувохидов Акмал Абдулазизович,

Гулистон давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси доценти

Абдувохидова Башорат Алиқуловна

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7391892>

Аннотация. Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини барқарор ривожлантириши, бизнес фаолиятини молиялаштиришида тижорат банкларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириши масалалари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: банк, банк тизими, банк трансформацияси, тадбиркорлик фаолияти, иқтисодий ўсиш, кредитлаш амалиёти, пул-кредит сиёсати, молия тизими, аҳоли турмуши даражаси.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОПЕРАЦИЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В БИЗНЕС ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация. Роль и значение коммерческих банков в устойчивом развитии отраслей и звеньев экономики, финансировании предпринимательской деятельности неизмеримы. Исходя из этого, в данной статье рассматриваются вопросы совершенствования деятельности коммерческих банков.

Ключевые слова: банк, банковская система, банковская трансформация, предпринимательская деятельность, экономический рост, практика кредитования, денежно-кредитная политика, финансовая система, уровень жизни населения.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF COMMERCIAL BANKS' OPERATIONS IN BUSINESS ACTIVITIES

Annotation. The role and importance of commercial banks in the sustainable development of industries and links of the economy, the financing of entrepreneurial activity are immeasurable. Based on this, this article discusses the issues of improving the activities of commercial banks.

Keywords: bank, banking system, banking transformation, entrepreneurial activity, economic growth, lending practice, monetary policy, financial system, standard of living of the population.

Кириш. Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибасига кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий йўналиши тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳисобланади. Аксарият ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ЯИМдаги улуши 70-75 фоизни ташкил этади. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг асосий қисми ҳам шу соҳада банд бўлиб, улар Японияда 70 фоизни, АҚШда 80 фоиздан кўпроқни ташкил қилади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг 90 фоизгача бўлган қисми тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаш-тирилади [1]. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлан-тириш ҳамда кредитлаш бўйича илғор инновацион банк

хизматларини кўрсатиш ва таклиф этиш борасида жадал рақобат муҳити такомиллашмоқда.

Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда банк тизими фаолия-тининг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш, кредит ресурсларини самарали жойлаштириш, бошқариш ва тақсимлаш, кредитлаш рискларини камайтириш, кредитлашнинг замона-вий шаклларини тадқиқ қилиш, шаффоф ва мукамал кредит сиёсатини шакллантириш сингари муаммоларнинг илмий асослари тадқиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъект-ларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. «...Республикамиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш имконини берди. Шу билан бирга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институционал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш вазифалари долзарб бўлиб қолмоқда» [2]. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг фаол таркибий субъекти ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барқарор ривожланиши банк тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, унда тижорат банклари томонидан уларга кўрсатилаётган инновацион комплекс банк хизматлари, шу жумладан, инновацион кредитлаш хизматларини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқишни тақозо этади. Хусусан, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 55-60 фоизи давлат дастурлари асосида берилаётганлиги, имтиёзли кредитлар улушининг кўплиги, банклар депозит базасининг барқарор эмаслиги, инфляция рискнинг юқори эканлиги [3] бу борадаги мавжуд муаммолар-ни ҳал этиш зарурати ва аҳамиятини оширади.

Адабиётлар шарҳи. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш, кредитлаш тартибида юзага келувчи рискли жараёнларни баҳолаш ва бошқариш ҳамда кредитлаш амалиётининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш-нинг айрим жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан М. А. Пассель [4], Ю. А. Герасина [5], О. И. Лаврушин [6] ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича тадқиқ этилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш. З. Абдуллаева [7], Г. О. Турдиева [8], М. С. Рустамов [9], ва бошқаларнинг илмий ишларида банкларнинг кредитлаш амалиётини ривожлантириш бўйича қатор илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, О.К.Иминов Жаҳон банки ва бошқа хориждаги молия ташкилотларнинг республикада кредит тизимини такомиллаштириш бўйича тавсияларини атрофлича таҳлил қилиш асосида Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос келувчи кредит механизмининг яратишнинг илмий-услубий жиҳатларини асослаб берган, Ш. З. Абдуллаева кредит баҳосини белгилашда кредит маблағларининг баҳоси ва кредит амалиётлари хизматининг қиймати асосий мезон сифатида хизмат қилишини таъкидлаб ўтган [7]. Ф. Холмаматов тижорат банкларида кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражадан ошишига йўл қўймаслик, тижорат банклари кредит портфелининг диверси-фикация даражасини ошириш сингари таклифларни берган.

Бугунги кунда тижорат банклари кредит сиёсати ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётидаги камчиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, жумладан, республикада банкларнинг кредитлаш тартиби ҳанузгача жаҳон стандартлари ва миқозларнинг талабларига жавоб бера олмаслиги, ривожланган давлатлар тижорат банкларининг кредитлаш амалиётининг мамлакат тижорат банкларига татбиқ этилмаётганлиги мазкур диссертация мавзусининг танланишига сабаб бўлди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантириш истиқболи йўлида, аввало ривожланган давлатларнинг илғор хориж тажрибаси ҳамда усулларини ҳар томонлама тўлиқ ўрганган ҳолда, кейин бу тажрибаларни таҳлил қилиб, шароитга мослаштириб улардан фойдаланиш ўта муҳимдир.

Шунинг учун ҳам кредитлаш амалиётини ривожлантиришда бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаш-тиришда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.


Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётининг таркибий қисмлари доимий ўзаро муносабатда бўлади ва бу узвийликдан яхлитлик келиб чиқади. Бу яхлитлик қонуниятларини билиш учун биринчи навбатда кредитлаш амалиётини таркиб топтирувчи қисмларнинг кетма-кетлиги, яъни қайси биридан кейин қайсиси келиб чиқишини белгилаб олиш лозим. Тижорат банкларида кредитлаш амалиётини шакллантириш ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир қанча босқичларни қамраб олади (1-расм). Тижорат банклари томонидан тадбир-корлик субъектларини кредитлаш амалиёти мониторингида миқознинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш, тадбиркорлик субъектининг молиявий аҳволини баҳолаш, аудит қилиш ва ўзаро чамбарчас боғлиқ бир қанча босқичларни қамраб олади. Шу нуқтаи назардан, кредитлаш амалиёти мониторинги – кредит жараёнининг турли босқичларида олиб бориладиган кенг миқёсли кредит назоратларини қамраб олади (2-расм).



1-расм. Тижорат банкларида тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиёти шакллантириш

Манба: Норов А. Р. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиёти такомиллаштириш 08.00.07 – молия, пул муомаласи ва кредит Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати

Тижорат банкларида кредитлаш амалиёти ва мониторингини олиб бориш бўйича банк мустақил равишда банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқади ва у асосий ҳужжат ҳисобланади. Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чора ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир.



2-расм. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиёти мониторинги.

Манба: Норов А. Р. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш 08.00.07 – молия, пул муомаласи ва кредит Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати

Жаҳонда тижорат банклари активлари таркибида кредитлар улушини таҳлил қилганимизда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кўрсаткичлари 2018 йилда, АҚШ тижорат банклари ва Евро ҳудуддаги тижорат банк кўрсаткичларига нисбатан юқори ҳисобланади. Лекин АҚШ тижорат банклари ва Евро ҳудуддаги тижорат банкларида активлар таркибида кредитлардан ташқари қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар салмоғи юқори ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш имкониятини янада ошириш улар кредитларининг сифатига боғлиқ. Бу эса, банкларнинг кредитлаш самарадорлигини оширишни тақозо этади. Кредитлар банклар учун асосий даромад манбаси бўлиб, кредитлар бўйича фоиз ставкалари одатда қимматли қоғозларга нисбатан юқори бўлади. Масалан, 2014 йил якунида АҚШ банклари томонидан барча активларнинг 51,1 фоизини кредитлар ташкил этди. Кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси 4,7 фоизни ташкил этган бўлса, банклар томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар бўйича ўртача фоиз ставкаси фақат 2,3 фоизни ташкил этди. Шундай

килиб, агар банк кредит портфели ҳажми тезроқ суръатларда ошиши мумкин бўлса, унинг баҳоси ошади¹⁰. АҚШнинг кичик банклари тижорат, чакана ва бошқа кредит туларини кенгайтириб, молиявий барқарорлик ва зарарни камайтириш имкониятларини, йирик банклари эса риск даражаси юқори тижорат кредитларини беришда ўз устуворлигини кучайтирмоқда (2-расм).

Маълумки, банклар пул маблағлари ҳаракатида воситачилик қилувчи ташкилот сифатида жалб этилган ресурсларни юқорироқ фоиз ставкасида мижозларга таклиф қилади ва шундан фойда кўради. Аммо банклар амалиёти таҳлилига кўра тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаси билан аҳолининг муддатли омонатлари фоиз ставкалари ўртасида салбий фарқ мавжуд, яъни тижорат банклари томонидан юқори фоизда маблағларни жалб этиб, паст фоиз ставкаларида уларни мижозларга тақдим қилиш ҳолатлари кузатилади. Холбуки, халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъерий андозалар бўйича тижорат банклари кредитлари билан депозитлари бўйича фоиз маржаси камида 4,5 фоиз бўлиши назарда тутилган.

Республика тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъект-ларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд:

тижорат банклари амалиётида кредитлашнинг замонавий хизмат турларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги;

тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажрати-лаётган кредит линиялари маблағларидан самарли фойдаланилмаёт-ганлиги;

тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредит маблағлари миқдорини белгилашда расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинмаганлиги;

кредитни қайтариш графигини тузишда мижознинг фаолияти ҳисобга олинмаганлиги;

бош банк томонидан тижорат банклари филиалларига кредит лимити белгиланиши;

тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валютадаги кредитларни расмийлаштиришдаги фарқлар;

тижорат банклари томонидан тақдим этилувчи кредитларнинг муддатлари ва таъминотларни расмийлаштириш муаммолари.

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредит-лаш амалиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги фикрларни илгари сурамиз:

1. Тижорат банклари фаолиятига тадбиркорлик субъектларининг банкни кредитлаш амалиётидан мамнунлик кўрсаткичи ва уларнинг банкни кредитлаш амалиётидаги камчиликлар кўрсаткичини кўллаш орқали банкнинг кредитлаш амалиёти самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

банкнинг кредитлаш самандорлигини ўлчаш ва баҳолаш орқали кредит бўлими ходимлари фаолияти баҳоланади, тадбиркорлик субъект-ларини жалб қилиш ва уларни сақлаб қолиш даражаси ўлчанади;

тадбиркорлик субъектларининг тажрибасини ошириш ва ўзаро билим алмашишга эришилади, банк мижозларини сони ортишига олиб келади. Натижада, банк даромадини ошириш имконияти яратилади.

2. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасида илғор хориж тажриба-сини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари кўрсатдики:

АҚШ тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётидаги мавжуд бўлган кафолат бериш тажрибаси, уларнинг кредитлаш амалиёти такомиллашганлигидан далолат беради;

Бангладеш давлати банкларида кредитлаш амалиёти мижозларни бир хил имкониятга эга бўлган гуруҳлар бўйича ажратиб, алоҳида банк хизмат-ларини кўрсатиш ва кредит бериш амалиёти такомиллашган;

Ислон банк-молия кредитлаш амалиётини мамлакатга татбиқ қили-ниши, тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятларини нафақат амалдаги қонунчилик доирасида, балки ўз динлари талабларига мувофиқ тарзда – ҳалол йўллар билан амалга ошириш мумкинлигидан далолат беради.

3. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредит қўйилмаларида давлат улуши мавжуд банклар салмоғини камайтириш зарур.

Бунинг учун Япония давлатининг кредитлаш амалиётини қуйидаги тажрибаларини таклиф этамиз биринчидан, давлат дастурларини амалга ошириш учун махсус давлат тижорат банкини ташкил этиш; иккинчидан, давлат улуши мавжуд тижорат банкларида давлатнинг улушини кескин камайтириш ва тўлиқ сотиш керак.

4. Ўзбекистон банк амалиётида инновацион онлайн кредитлаш хизматларини йўлга қўйиш зарур. Ривожланган давлатлар банк амалиётида кредитлаш амалиёти онлайн тарзда кенг қўлланилмоқда. Бу хизмат турини такомиллаштиришда интернет тезлиги ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг компьютер саводхонлигини ошириш лозим. Чунки, инновацион онлайн кредитлаш тадбиркорлик субъектларини кўп куч ва вақт сарфламасдан кредитлаш амалиётига бўлган талабини қондириш билан ифодалаш мумкин.

5. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

тадбиркорлик субъектларига кредит линиясини очиш орқали бериладиган маблағларни талаб ва таклиф асосида шакллантириш лозим;

кредитнинг умумий миқдорига тадбиркорлик субъектининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш керак;

бизнес-режани тадбиркорлик субъектининг фаолиятдан келиб чиққан ҳолда расмийлаштириш лозим;

бош банк томонидан тижорат банклари филиалларига кредит лимитини белгилашда кредит миқдорини эркинлаштириш лозим;

хорижий валютада ажратилган кредитнинг хорижий валютада қопланиши ва кредит муддати ўртасидаги ўзаро мутаносибликни ҳисобга олиш муҳим, ушбу жиҳатларни яхшилаш банкларда тадбиркорлик субъектлари кредитлаш амалиётини янада ривожлантирилишига хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги фикрларни илгари сурамиз:

1. Тижорат банклари фаолиятига тадбиркорлик субъектларининг банкни кредитлаш амалиётидан мамнунлик кўрсаткичи ва уларнинг банкни кредитлаш амалиётдаги камчиликлар кўрсаткичини қўллаш орқали банкнинг кредитлаш амалиёти самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

банкнинг кредитлаш самадорлигини ўлчаш ва баҳолаш орқали кредит бўлими ходимлари фаолияти баҳоланади, тадбиркорлик субъект-ларини жалб қилиш ва уларни сақлаб қолиш даражаси ўлчанади;

тадбиркорлик субъектларининг тажрибасини ошириш ва ўзаро билим алмашишга эришилади, банк мижозларини сони ортишига олиб келади. Натижада, банк даромадини ошириш имконияти яратилади.

2. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасида илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари кўрсатдики:

АҚШ тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётидаги мавжуд бўлган кафолат бериш тажрибаси, уларнинг кредитлаш амалиёти такомиллашганлигидан далолат беради;

Бангладеш давлати банкларида кредитлаш амалиёти мижозларни бир хил имкониятга эга бўлган гуруҳлар бўйича ажратиб, алоҳида банк хизматларини кўрсатиш ва кредит бериш амалиёти такомиллашган;

Ислон банк-молия кредитлаш амалиётини мамлакатга татбиқ қилиниши, тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятларини нафақат амалдаги қонунчилик доирасида, балки ўз динлари талабларига мувофиқ тарзда – ҳалол йўллар билан амалга ошириш мумкинлигидан далолат беради.

3. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредит қўйилмаларида давлат улуши мавжуд банклар салмоғини камайтириш зарур.

Бунинг учун Япония давлатининг кредитлаш амалиётини қуйидаги тажрибаларини таклиф этамиз биринчидан, давлат дастурларини амалга ошириш учун махсус давлат тижорат банкини ташкил этиш; иккинчидан, давлат улуши мавжуд тижорат банкларида давлатнинг улушини кескин камайтириш ва тўлиқ сотиш керак.

4. Ўзбекистон банк амалиётида инновацион онлайн кредитлаш хизматларини йўлга қўйиш зарур. Ривожланган давлатлар банк амалиётида кредитлаш амалиёти онлайн тарзда кенг қўлланилмоқда. Бу хизмат турини такомиллаштиришда интернет тезлиги ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг компьютер саводхонлигини ошириш лозим. Чунки, инновацион онлайн кредитлаш тадбиркорлик субъектларини кўп куч ва вақт сарфламасдан кредитлаш амалиётига бўлган талабини қондириш билан ифодалаш мумкин.

5. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

тадбиркорлик субъектларига кредит линиясини очиш орқали бериладиган маблағларни талаб ва таклиф асосида шакллантириш лозим;

кредитнинг умумий миқдорига тадбиркорлик субъектининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш керак;

бош банк томонидан тижорат банклари филиалларига кредит лимитини белгилашда кредит миқдорини эркинлаштириш лозим;

хорижий валютада ажратилган кредитнинг хорижий валютада қопланиши ва кредит муддати ўртасидаги ўзаро мутаносибликни ҳисобга олиш муҳим, ушбу жиҳатларни яхшилаш банкларда тадбиркорлик субъектлари кредитлаш амалиётини янада ривожлантирилишига хизмат қилади.

REFERENCES

1. Обзор сферы услуг Западных стран. www.export.by/act./doc@mode, [http://aftershock.news: Politeconomica. ru/feb2013/malyj – biznes.:](http://aftershock.news: Politeconomica. ru/feb2013/malyj – biznes.) <http://aftershock.news>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2017й.,07/17/3270/0004.
3. 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоботи, Тошкент 2022 й.
4. Пассель М.А. Заем, кредит, ссуда. – М.: Деньги и кредит, №4, 1999.
5. Герасина Ю.А. Управление кредитным портфелем коммерческого банка // Бизнес в законе. – 2011. – №1.
6. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2016. – 360 с.
7. .; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. и.ф.д. илм. дараж. олиш учун ёзил. дисс. автор. – Т., 2000. 43-б.
8. Турдиева Г.О. Хўжалик юритувчи субъектлар кредит қобилияти таҳлилининг назарий ва ташкилий- услубий жиҳатларини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. Т., 2019. 8-9б.
9. Рустамов М.С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. Т., 2019. 8 б.
10. Абдувоҳидов А. А. и др. Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банкларининг кредитлаш сиёсатини такомиллаштириш //Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 46-52.
11. Абдувоҳидов А. А. и др. Ўзбекистонда банк тизимини рақамлаштириш масалалари //Журнал Инновации в Экономике. – 2021. – Т. 4. – №. 2.
12. Абдувоҳидов А. А. Ислоҳотларнинг Ҳозирги Босқичида Тадбиркорликни Ривожлантириш Аҳоли Фаровонлигини Оширишнинг Муҳим Асоси Сифатида //Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 388-399.